


Карши шаҳар ҳокимининг

2019 йил "24" март
№ 1 -сонли қарори билан



Вилоят соғлиқни сақлаш

бошқармаси бошлиғи т.ф.н:

Д.Турсунов



**РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҚАРШИ ФИЛИАЛИНИНГ**

НИЗОМИ

Қарши шаҳри -2019 йил

«ТАСДИКЛАНГАН»

Республика ихтисослаштирилган
кардиология илмий амалий тиббиёт маркази
Карши филиали директори:

«20» _____ Х.Фозилов
2019йил

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
КАРШИ ФИЛИАЛИНИНГ
Н И З О М И .**

I. Умумий қоидалар.

1. Ушбу Низом Ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Карши филиалининг (кейинги матнларда - Филиал) фаолиятини ташкил этади ва молиялаштириш тартибини белгилайди.
2. Филиал Республика Ихтисослаштирилган кардиология илмий –амалий тиббиёт марказининг (кейинги матнларда – Марказ) ҳудудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилоти сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий хизмат курсатишни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тугрисида» ги ПК-3071-сонли қарори асосида ташкил этилади.
3. Филиал Марказнинг Кашкадарё вилоятида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.
Филиал юридик шахс ҳисобланмайди. Лекин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда ҳисоб-китоб рақамлари ва валюта ҳисоб рақамларини, шахсий газна ҳисоб рақамларини очади. Филиалнинг тулик номи ёзилган гербли муҳрга, штампларга ва бланкаларга эга бўлади.
Филиал юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам курсатади, шунингдек мутахассислик турлари бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ҳамда укув базаси ҳисобланади.
4. Филиал уз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмақасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, Кашкадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, шунингдек Марказнинг бўйруқларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.
5. Филиалнинг тулик номланиши:
давлат тилида – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий – амалий тиббиёт марказининг Карши филиали;
рус тилида – Каршинский филиал Республиканского специализированного научно – практического медицинского центра кардиологии.
6. Филиал Марказга ва Кашкадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига бўйсунди.

2.

2-Боб. Филиалнинг асосий мақсадлари, вазифалари ва функциялари.

7. Куйидагилар Филиални ташкил этиш ва унинг фаолияти мақсадлари ҳисобланади:
- Юқори малакали ва юқори сифатли ҳамда ҳозирги замон халқаро талабларига мос келадиган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам курсатишга мулжалланган юқори технологик моддий ва илмий базани, шунингдек ушбу мактабни шакллантириш;
- Уз ихтисослиги бўйича касалликларга ташхис қуйиш, уларни даволаш ва касалликларнинг олдини олишда аҳолининг юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга бўлган талабини қондириш.
8. Куйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари ҳисобланади.
- А) куйидаги аҳолига уз ихтисослиги бўйича юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам курсатиш:
- руйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари асосида аниқланадиган имтиёзли тоифага қирувчи шахсларга, бепул асосда;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (бундан ушбу кичик банднинг иккинчи хат бошида курсатилган шахслар мустасно), шунингдек чет эллик фуқароларга ва фуқаролари бўлмаган шахсларга пуллик асосда;
- Б) мавжуд тиббиёт техникалари паркиннинг доимий равишда янгилаб борилишини ва модернизация қилинишини таъминлаш, Филиални уз ихтисослиги бўйича ҳозирги замон халқаро талабларига мос келадиган юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам курсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб – ускуналари билан жиҳозлаш;
- В) Филиал фаолиятини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб қилиш бўйича менежмент ҳамда маркетинг ишларини ташкил этиш;
- Г) Филиал тиббиёт ходимларининг касбий даражасини, шу жумладан мутахассисларнинг хорижий етакчи тиббиёт таълими муассасаларида ва клиникаларида уз ихтисослиги бўйича касалликларга ташхис қуйиш ва уларни даволашнинг замонавий усуллари бўйича стажировкаларини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда ошириб бориш ва такомиллаштириш;
- Д) уз ихтисослиги бўйича касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қуйиш ва касалликларни даволаш бўйича уз илғор усуллари ва технологияларини ишлаб чиқишга ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- Е) уз ихтисослиги бўйича касалликларни даволаш ва уларга ташхис қуйишнинг патентланган уз усуллари ва технологияларини доимий равишда такомиллаштириб бориш ҳамда уларнинг халқаро миқёсида эътироф этилишига эришиш;
- Ж) уз ихтисослиги бўйича республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол иштирок этиш;
- З) уз ихтисослиги бўйича хорижий етакчи тиббиёт муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, тупланган тажриба, ахборотлар, шунингдек мутахассислар кенг алмашинувини таъминлаш;
- И) шаҳар ва туманларда зарур профилактик ишлар утқозишда кумаклашиш, сайёр консултациялар, маҳорат дарсларини мунтазам равишда утқазиб бориш.
9. Филиал узига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни бажаради:
- Уз ихтисослиги бўйича аҳолининг ҳозирги замон халқаро талаблари даражасида касалликларга ташхис қуйиш, уларни даволаш ва олдини олишнинг энг самарали, мураккаб ва юқори технологик усулларида бўлган эҳтиёжини қондиради;

Уз ихтисослиги буйича кенг таркалган касалликларга ташхис куйиш, уларни даволаш ва олдини олишнинг илгор самарали усуллари ҳамда технологияларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

Уз ихтисослиги буйича маслаҳат – диагностика тиббий ёрдами курсатувчи бошқа шу йўналишдаги муассасаларга (булинмаларга) тақилиш- услубий ва илмий-амалий ёрдам курсатади;

Худудга чиққан ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам курсатади;

Уз ихтисослиги буйича юқори малакали мутахассислар мактабини шакллантиришда ва ривожлантиришда иштирок этади;

Дори воситаларини, тиббиёт буюмларини, шунингдек уз ихтисослиги буйича ташхис куйиш ва даволаш усуллари клиник синовдан утказди;

Хориждаги тиббиёт ҳамжамиятига узининг илмий ва технологик ютуқларини тақдим этади;

Уз ихтисослиги буйича узининг илмий, укув-услубий ва ахборот-маълумотнома материалларини chop этади;

Тиббиёт кадрларини, шу жумладан клиник ординатурада, базавий докторонтурада, докторонтурада, катта илмий ходим – изланувчилар институтида тайёрлашда, кайта тайёрлашда ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этади;

Филиалнинг тиббиёт кадрларини тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, чет мамлакатларнинг шу йўналишдаги тиббиёт муассасалари иштирокида қўшма илмий – амалий тадқиқотлар утказиш учун юқори малакали чет эллик мутахассисларни жалб қилади;

Амалий қўниқмаларни мустаҳкамлаган ҳолда назарий билимларни узлаштириш асосида тиббиёт таълим муассасаларида шу йўналишдаги мутахассисликлар буйича таълим сифатини оширишга фаол қўмақлашади.

3-Боб. Филиалнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

10. Филиал узига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга;

Конун ҳужжатларида белгиланган доирада узига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни Марказнинг рухсати билан тасарруф этиш;

Конун ҳужжатларида белгиланган тартибда асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб қилиш;

Конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий ва бошқа хизматларни курсатишдан тушган даромадлар доирасида ходимларнинг меҳнатига ҳақ тулаш ва уларни моддий рағбатлантириш микдорларини белгилаш;

Мавжуд молиявий ресурслар доирасида асбоб-ускуналар, дори воситалари ва Филиал фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа моддий – техник воситалар харидини амалага ошириш;

Уз ихтисослиги буйича илмий тадқиқотлар утазиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда иштирок этиш;

Уз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига доир муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

Чет эллик юридик шахслар билан илмий ва илмий-техник ҳамкорлик қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш.

1. Филиал томонидан курсатиладиган тиббий хизматлар нархлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қумаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси билан келишувга қура Ўзбекистон Республикаси Сўғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тарифларни шакллантириш тартибига мувофиқ Марказ томонидан тасдиқланади.

2. Филиал қуйидагиларга мажбур:

Юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган касалларга ташхис қилиш ва уларни даволаш сифати ҳамда стандартларининг ҳозирги замон халқаро талаблари даражасида сақланишини ва ривожлантиришини таъминлаш;

Ўз ихтисослиги бўйича қуйидагиларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам курсатиш:

Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари асосида аниқланадиган имтиёзли тоифага қирувчи шахсларга бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (бундан ушбу банднинг туртинчи қатъида курсатилаган шахслар мустасно), шунингдек чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга пуллик асосда;

Ўз ихтисослиги бўйича касалликларни олдини олиш, ташхис қилиш ва даволанишнинг янги технологияларни яратиш бўйича илмий тадқиқотларнинг юксак даражада ўтказилишини таъминлаш;

Филиал тиббиёт ходимларининг касбий даражасини, шу жумладан мутахассисларнинг хорижий ётақчи тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида касалликларга ўз ихтисослиги бўйича ташхис қилиш ва уларни даволанишнинг замонавий усуллари бўйича стажировкаларини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда ошириб бориш ва такомиллаштириш;

Филиал ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил этиш шароитларини яратиш ва меҳнатига ҳақ толаш, ҳавфсизлик техникаси тақдим этиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш;

Филиалнинг моддий – техник базасини ўз маблағлари ва жалб этиладиган маблағлар ҳисобидан ривожлантириш ҳамда замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш;

Мол-мулкдан аниқ мақсадда фойдаланиш, унинг бутлигини таъминлаш;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисобини ҳамда ҳисоботини юритиш.

Филиалда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-Боб. Филиалнинг мол-мулки

13. Филиалга бириктирилган моддий бойликлар ва молиявий ресурслар Марказнинг мол-мулкини ташкил этади.
14. Филиал Марказга доимий фойдаланиш ҳуқуқлари асосида бириктирилган ер участкасидан фойдаланади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ва мол-мулкнинг мақсадига мувофиқ ўзига

Марказга бириктирилган мол-мулкка эгалик килади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, бундан бюджет маблаглари ва бюджетдан ташкари маблагларни самарали фойдаланишни таъминлайди.

5. Филиал конун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланилмаётган биноларни шартнома асосида ижарага бериш, тушган маблагларни Филиални моддий-техник базасини ривожлантириш учун ишлатиш ҳукукига эга.

5-Боб. Филиалнинг тузилмаси ва Филиални бошқариш

6. Филиалнинг тузилмаси Марказ ва Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.
7. Марказнинг Карши филиалига Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазири томонидан Марказ директорининг тақдимномасига асосан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик килади.
18. Филиал директори:
- Филиал номидан уз фаолиятини олиб боради, Филиалнинг молия-ҳужалик фаолиятига раҳбарлик килади, Филиал номидан шартномалар тузади, Филиал фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал килади;
- Филиал ходимлари ишларини уз ваколатлари доирасида ташкил этади ва бошқаради, Филиал ходимлари томонидан бажарилиши шарт бўлган буйруқлар чиқаради, Филиал ходимларини конун ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул килади ва ишдан бушатади;
- Филиал фаолияти учун жавоб беради.
19. Марказ ва Қашқадарё вилояти сogлиқни сақлаш бошқармаси Филиалнинг аҳолига малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам курсатиш бўйича фаолиятини назорат килади.

6-Боб. Филиал фаолиятини молиялаштириш

20. Филиал фаолияти:
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблаглари;
- Марказ ва Филиалнинг уз даромадлари;
- Грантлар ва хайрия ёрдами;
- Конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобидан молиялаштирилади.
21. Филиалнинг уз даромадлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:
- аҳолига пулли тиббий хизматлар курсатиш;
- Филиалнинг илмий ва укув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг шу йўналишдаги мутахассисларини тайёрлаш;
- Илмий – тадқиқот ишларини олиб бориш;
- Конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаалар.
22. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблаглари конунчиликда белгиланган тартибда ажратилади.
23. Марказ тиббий хизматлар курсатишдан ва бошқа хизматлардан тушган даромадлар доирасида мустақил равишда:
- Филиалнинг даромадлари ва харажатлари сметасини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;
- Филиал ходимларининг меҳнатига ҳақ тулаш ва уларни моддий рағбатлантириш тугрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

- 6.
24. Филиал хужалик фаолиятдан тушган даромадларни мустакил равишда тасарруф этади. Филиалнинг уз молиявий - хужалик фаолияти натижасида олган фойдаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли солиқлар ва мажбурий туловлар тулангандан кейин Филиал ихтиёрида қолади ҳамда белгиланган тартибда:
- Филиалнинг моддий - техник базасини янгилаш, модернизациялаш ва кенгайтириш, замонавий тиббиёт техникасини, инвентар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш;
- Филиал ходимларини моддий рағбатлантириш;
- Айланма маблағларни тулдириш;
- Филиал мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- Махсулот ва хизматларни реклама қилиш;
- Филиал фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.
- Бунда Филиал ушбу бандда курсатилган харажатларнинг устуворлик тартибини, йўналишларини ва нисбатини ўзи белгилайди.

7-Боб. Ҳисобга олиш ва ҳисобот

25. Филиал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уларни ҳудудий молия ва статистика бошқармаларига тақдим этади, ҳужжатларнинг бутлиги қелишилган рўйхатга мувофиқ давлатга сақлаш тўғрисида топширилиши учун жавоб беради.
26. Филиалнинг молия - хужалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш молия органлари, давлат солиқ хизмати органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг уз ваколати доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудитор ташкилотлар томонидан улар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

8-Боб. Яқунловчи қоида

27. Филиални қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қўйилган: *Филиал Н. Н. Турокмуродов*

Низом ил утказиб номерланди 6 . _бет

Директор: _____ Фозилов Х.Г.

